

Халқ отаси хотираси



Хотирлаш инсоннинг жамиятдаги ўрни ва эзгу хизматларига муносабат демакдир. Халқ ва ватан манфаати йўлидаги камарбасталик мангуликка дахлдор ҳодисадир.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таваллудининг 80 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. 2018-йил 29-январ куни яна бир гуруҳ институтимиз талабалари “Ердан фойдаланиш ва ер кадастри” факултети 2-курс 5-гуруҳ талабалари, гуруҳ мураббийи Ф.Тўраев бошчилигида Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А.Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрдилар.

Ташриф давомида талабалар Ислом Каримов монументини зиёрат қилдилар ҳамда улар фаолият юритган оқсарой қароргоҳи билан танишдилар.

“Ердан фойдаланиш ва ер кадастри” факултети 205-гуруҳ мураббийи Ф.Тўраев ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов